

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси

РЕФЕРАТ

Илмий раҳбар:

т. ф. н. Х.Қурбонов

Бажарди:

**Тарих факультети III «А» гуруҳ
курс талабаси Жўраев Чори.**

Навоий 2014

Мавзу: Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асари ҳақида

Режа:

Кириш

- 1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асари: яратилиш тарихи ва нашрлари.**
- 2. “Бобурнома” асарида А. Темур ва темурийлар тарихининг ёритилиши.**
- 3. Бобурнинг “Бобурнома” асарида тарихий шахслар талқини.**
- 4. “Бобурнома” асарида инсон камолоти ва хулқ атвор таснифи.**
- 5. “Бобурнома” асарида Самарқанд васфи: тарих ва талқин.**
- 6. “Бобурнома” асарида суғориш ва ерга муносабат.**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

Кириш

Ўзбек халқи ўзининг бой ва бетакрор ўтмиш тарихига эга. Айниқса, темурийлар даври, бобурийлар даври тарихи бизга қолдирган мероси жиҳатдан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бобур нафақат ҳукмдор, балки, истедодли шоир, тарихчи ва заковатли олим ҳамдир. У илм аҳлини ардоқлайди, ёш адиб ва тарихчи олимларга ўз ёрдамини аямайди, ҳомийлик кўрсатади. Бунини биз "Бобурнома" асарида яққол кўришимиз мумкин. Гарчи Бобур ўз умрини жангу - жадалда ўтказган бўлсада, ҳамма вақт ижод қилишга имкон топа олди. Айни пайтда илм аҳли билан суҳбат қуришга, уламо ижодига баҳо беришга, уларни рағбатлантиришга улгура билди. Жумладан, шоирлар Биноий ва Муҳаммад Солиҳлар Бобур марҳаматидан мушарраф бўлган кишилардир. Улар кейинчалик Бобур Ҳиндистон томон юз тутгач, Шайбонийхон ҳузурига бориб у ерда ўз ижодларини давом эттирадилар. Айни пайтда "Бобурнома"да уларнинг асарлари, битган шерлари ҳақида ўз фикрларини баён этади. Бобур ҳақиқий илм соҳиби. Ёзилган асарни ортиқча макташ уни табиатига ёд бўлган. Жумладан, Бобур шеър яратиш учун шоирда юксак савод, тил ва мантиқ, имло ва хуснихат мажмуининг комил бўлишини таъкидлайди. Демак. Бобур ўз шогирдиари, атрофдаги адиблар ижодига талабчанлик билан ёндашади. Бобур марҳаматига сазовор бўлган тарихчи Хондамир ҳам унинг талабчанлик камолоти орқали юксак обрў топди, асарлари билан машҳур бўлди. Хондамир Аграда Бобурнинг энг яқин садоқатли одамлари қаторидан ўрин олди. Бобур вафотидан кейин унинг ўғли Ҳумоюн хизматида бўлган. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Бобур илмсеварликда, ҳомийликда бошқа ҳукмдорлардан қолишмайди. У айнан бобоси Амир Темур ўғитларига амал қилган, меҳр кўзи чашмадек улуғ инсондир.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг “Бобурнома” асари: яратилиш тарихи ва нашрлари.

XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндаларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қарама-каршиликли, мураккаб ва қисқа ҳаётида (1483—1530) анчагина асарлар яратган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бизгача етиб келган эмас. Бобурнинг ҳўзиргача илм хазинасига келиб қўшилган асарлари — унча тўлиқ бўлмаган бир дсвони, ислом дини асосларини баён этувчи «Мубаййин- номли шерий рисоласи, «Волидия» аталган тасаввуфга оид бир китобчанинг назм билан таржимаси, Бобур ихтиро этган ва «Хатти Бобурий» номи билан машҳур бўлган алфавит жадвали ҳамда «Бобурнома» асаридан иборатдир.

Бобурдан колган ижодий мероснинг энг муҳим ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрои халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли малумотларни ўз ичига олган ва ўша давр ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган «Бобурнома» асаридир. Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон материални ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан XVIII, айникса XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган ва унинг турли қўлёзма нусхалари излана бошлаган ва араб тилларига таржима қилишга киришилган эди. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлсада, у «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб атадилар, кейинчалик асар «Бобурнома» деган ном билан машҳур бўлиб кетди.¹

Бу асарнинг мавжуд тўлиқ матни 1857 йилда турколог Н. И. Ильминский томонидан Қўзонда типография йўли билан ўзининг турт бетлик нашр принстипларини курсатган русча сўз бошиси билан босилган. Асарни нашрга тайёрлаш ва дунёга чиқаришда рус олими Н. И. Ильминскийнинг зўр фаолият

¹ Қаралсин: «Бобурнома» 1-қисм, Сўз боши. Т. 1948. 5-8 бетлар (Бунда “Бобурнома” қўлёзмалари, наشري ва турли тилларга таржималари ва бошқалари хақида маълумот берилган).

кўрсатганини албатта кайд этиш керак. Бу нашрдаи кейин 1905 йилда инглиз ориенталистларидан А. Бевериж хоним “Бобурнома”нинг Хайдарободда топилган бир кўлёзмасини нашр этди. Бу нусханинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани номалум. Бу ҳам тўлиқ матн бўлса-да, кўзон босмасига нисбатан бази тушиб қолган жойлари ва айрим нуқсонлари бордир. Лекин умуман олганда ҳар иккала нусха ҳам айрим-айрим нуқсонлардан холи эмасдир.

Лондон нусхасининг афзаллиги шундаки, бунда А. Бевериж нусханинг Айни ўзини бериб жуда яхши иш қилган, шу билан бирга асар охирида мукаммал киши исмлари, география ва қабила, уруг номлари курсаткичи берилган ва инглиз тилида ун бетлик суз бошиси ҳам бор. Лекин курсаткичларни транслитерастиясиз араб ёзуви билан берилиши номларни туғри уқиш масаласини кийинлаштиради.

Мана шу икки мавжуд нусхага асосланиб, 1948—1949 йилларда «Бобурнома» иинг икки қисмдан иборат тўлиқ матни босиб тарқатилган эди. Бу нашр Янги ўзбек алифбосида, киши ва географик номлар курсаткичи, тўлиқ луғат, бази бир қисқа изоҳ, ва таржималар иловаси билан босилган эди. Шундан кейин «Бобурнома»нинг тўлиқ матни 1960 йили қайта нашрга тайёрланди ва нашр этилди. Илгариги нашри қаби бу нашрга ҳам юқорида зикр этилган Лондон ва Кўзон босма нусхалари асос қилиб олинди. Шу иккала нусхага қайтадан таққосланиб, иккисига ҳам танқидий қаралди. Бирисини бириси тўлдириш йўли билан тузилган мазкур матнни анчагина мукаммаллашган деса бўлади. Нусхаларда мано жихатидан фарқ қиладиган сўзлар келганда бундайларнинг фарқ ва вариантлари бет остида кўрсатила борилган. Шу жихатдан бу нашрнинг бетости изоҳлари аввалгига нисбатан анчагина кўпайган эди. Бу нашрни тайёрлаш давомида айрим сўз ва терминлар транскрипциясини аниқлаш масалаларида «Бобурнома»нинг Анкара (Туркия)

да туркчага килинган таржимаси² ва филология фанлари номзоди М. Сальенинг русчага килган тўлиқ таржимасини ҳам кўздан кечириб борилган ва шулар билан мослаштиришга уринилган эди.

Китоб охирига илова килинган кўрсаткичлар қайта тузилган ва таржималар ҳам янгидан қараб чиқилган. Асарнинг илгариги босмасида бази бир тушириб қолдирилган жойлари бу босмада киритилиб, матнни мукаммаллаштирилган эди. Таржима **ва** изохлар ҳам қайтадан қараб чиқилди, изохлар бирмунча тулдирилди. Аммо илгари ҳам айтганимиздек, килинган шу ишларга қарама-қарши, ҳали ҳам ишда бирмунча нуқсонлар мавжудлиги аниқ. Жумладан, айрим сузлар, айниқса Афғонистон ва Ҳиндистонга тааллуқли бўлган жўғрофий номлар, киши исмлари, ўсимлик, ҳайвонот ва бошқа хил атамалар транскрипциясини батамом тўғри ва аниқ дсб бўлмайди. Иш жараёнида масаланинг энг қийин томони ҳам шу бўлди. Булардан бошқа яна бирмунча матнологик камчиликлар бўлиши мумкин.

2. “Бобурнома” асарида А. Темур ва темурийлар тарихининг ёритилиши

Бобурийлар давлатининг асосчиси, юртдошимиз Захриддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби, классик шоир, таниқли тарихчи олим ҳамдир. Унинг “Бобурнома” асарида Амир Темур асос солган давлатнинг парчаланиши билан боғлиқ сабаблар, тож - тахт учун курашаётган шахзодалар о’ртасидаги муносабатлар атрофлича ёритилишига ҳаракат қилинган.

Бобур 12 ёшларида отаси Умаршайх Мирзодан қолган Фаргона вилоятининг ҳокимлик тахтига отиради. Бобур Мовароуннахрни ягона

² Захриддин Муҳаммад Бобур: “Бобурнома”, 1—II қисм, Т. 1948—1949. нашрга тайёрловчилар: П Шамсиев, С. Мирзаев.

кудратли давлатга бирлаштириб, ўзаро қирғин қабохатларга барҳам бериш, темурийзодалар орасида нифоқ ўрнига дўстлик, ҳамжиҳатлик ўрнатишни ўз олдига асл мақсад қилиб қўяди, ўзаро низолар Амир Темура асос солган давлатни майда феодал давлатларга бўлиб юбораётганини англаб, амалий ишга ўтади. Даставвал, Шайбонийхон Амударёдан кечиби, пойтахт Ҳирот сари лашкар тортганда Бобур, Ҳусайн Бойқаро билан бирлашиб, душман устига лашкар тортишни таклиф этади. Лекин Ҳусайн Бойқаро бу таклифни қабул қилмайди.

Бобур Андижон тахтига отирганда тахтни бошқаришда унга бувиси Эсон Давлатбегим ва онаси Қутлуғ Нигорхоним ёрдам беради. Гарчи Бобур ота томонидан темурийларга мансуб болса, Она томонидан мўғил қавмига мансуб бўлган. Қутлуғ Нигорхоним Юнусхоннинг қизи бўлиб, Чигатой наслидан бўлган. Лекин Бобур мўғил қавмига эмас, балки темурийзодаларга мансублигини алоҳида қайд этган. "Юнусхонни онаси туркистонлик қипчоқ бекларидин Темурбек риоят қилгон Солих Нуриддинбекнинг қизи ё набираси бўлур. Бугина эмас. Бобур умуман мўғил одатини, уларнинг айрича ҳатли - ҳаракатларини қаттиқ қоралайди. "Мўғул черикиким, комакка келиб эди, урушга худ тоқаллари ёқ эди. Урушмоқни қойиб, бизнинг элни - оқ талаб, олтин туслиира киришдилар. Бир бу эмас. Ҳамиша бадбахт мўғулнинг одати ушмундоқтур. Босса ҳам олжа олур, бостурса ҳам ўз элини талаб. тушириб олжа олуир. Шунингдек, "Ҳамиша ёмонлик ва бузукчилик мўғил улусидин бўлса келгандур. Ушбу тарихгача беш навбат менинг била ёғиқлилар. Андоқ эмаским, менинг била бемуносабатлик жиҳатидин бўлгайлар. Мундоқ ҳаракатларни ўз хонларига муқарар қилдилар³.

Айни пайтда она томон қариндошлари бўлмиш. Бобур атрофидаги унинг мўғил тоғалари Али Дўст унинг ўғли Муҳаммад Дўст, ҳамда Мир Ғиёс.

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989, 60-бет.

Қанбар Али ва бошқа беклар хизматда бўлган. Лекин "Бобурнома"да такидланишича, бу беклар Бобурдан қанчалик яхшилик кўришмасин унга хиёнат қилишган. Мансаб ва бойлик ёлида ҳар қандай қабихликдан қайтишинаганлигини, ёмон кимса ҳар вақт жазо топишини тасвирлаб, Бобур шундай деб ёзади: "Бир – икки йилдан сўнг Али Дўстнинг илигига корт чиқиб ўлди. Муҳаммад Дўст ўзбакка кириб эди. Фил жумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб Андижоннинг кўхпояларига бориб, ёғийликлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак илигига тушди. Кўзларини кўр қилдилар. "Кўзларини туз тутди" нинг бу маниси бор эмиш"⁴.

Заҳириддин Бобур умр бўйи Амир Темури давлатини тиклаш учун курашди. Лекин бу курашда у темурийзода шахзодалар кучларини бирлаштира олмади. Гарчи рақиблари бўлсада, темурий зодагонлар орасида нифок тушмаслиги учун ўз яқинларининг гуноҳларидан ўтади. Беҳуда ранжитмасликка интилади, иттифок бўлишга чорлайди. Жумладан, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ўзгалар маҳрам хонасига сўроқсиз кирганда. Бобур нафсониятига, тегсада у гуноҳкорни жазоламайди. "Агар пора - пора қилсам ери бор эди, турлук-турлук азобу уқубат била ўлмакка сазавор эди. Чун орада бир нав уруғлик бўлиб эди, менининг туққон холам Нигорхонимдин ўғлонлари ва қизлари бор эди. бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн Мирзони озод қилдим"⁵. Ёки бекларидан бири сотқинлик қилган Султон Санжарни қўл оёқларини боғлаб Бобур ҳузурига олиб келтирганларида "Чунон додамнинг волидаси бегим шаҳарзодаси бўлур эди. буиюрдимким, мундоқ беиззатона келдурманг, ўлим йўқтур"⁶ - деб қариндошликни устун қўяди, гуноҳини кечиради. Лекин Бобур ўзининг бу юксак фазилатларини ўз фарзандларига қанчалик сингдирмасин, Ҳиндистон тахти учун Ҳумоюнга

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989, 71 bet.

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча" 1989, 181 - 6eT

⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989, 179-bet

карши укалари Комрон ва Ҳиндол бош кўтаради. Ҳумоюн укалари билан ўз муносибатларини улади. У Комрон мирзони кўзига мил торттириб кўр қилади. Ҳиндол билан юз кўришмас бўлиб кетади. Факатгина, Ҳумойинни ўғли Акбаргина Бобурнинг ўғитлари ва юксак фазилатларига амал қилган. Ҳа, назаримизда Бобур умри давомида икки ўт орасида азият чеккан кўринади. Бири такаббур ноиттифоқ темурийзода беклар бўлса, иккинчиси мол дунёга хирс қўйган қабих кимсалардир. Бобур улар орасида муросада кун кечирди. Қабих кимсалар ишини Оллоҳга топширади. Демак, Бобур учун нафсдан кўра, юртнинг бирлашуви муҳимроқ. "Бобурнома"да темурий султон ва шахзодалар ўртасидаги муносибатлар, уларнинг хатти - ҳаракатлари давлатнинг бирлашувига тўғаноқлиги масалалари, давлат арбобларининг хулқ атворлари орқали ечилиб боради. Чунончи. Ҳиротда Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо, Музаффар мирзолар учрашуви шундай тасвирланади: "Музаффар мирзо муболаға қилди, от устида кўришдик"⁷ ёки Бобурдан ёши катта бўлган Бадиуззамоннинг ҳам илтифот кўрсатигани йўқ. Хуллас, улар ҳақида Бобурнинг хулосаси қуйидагича: "Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшга машғул эдиларким, отасидек кўрдийда ва кўрдон подшо тушчилик ёл келиб, рамазондек табаррук ва азиз ойга кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, тенгридин кўркмай, хануз иши чоғир, ичмақ эди нашот била, мажлис ўролик эди нибисот била. Мукаррардииркиин, мундоқ бўлгон киши андоқ шикаст топқай ва бу нав ўтган элга ҳар ким даст топқай"⁸. "Бобурнома"да нафақат темурий шахзодалар балки темурийлар даврида уларнинг беклари, амирлари ҳам салтанатнинг инқирозга учрашига сабабчи бўлганлигини тасвирлаб ўтилган. Жумладан, Султон Маҳмуд амирларидан бўлмиш Хисравшоҳ адоват уруғини сочиш билан давлат теппасига мансаб ва амал сабаб ҳатто, ўз ўғилиарини ҳам қатл этганлигини, иймон ва виждондан

⁷ Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча" 1989, 181 бет.

⁸ Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча" 1989, 40-бет

воз кечганлигини тасвирлаб шундай ёзади: "Навқари йигирма мингга ёншуб эди. Агарчи намози қилур эди ва таомда пархиз қилур эди, вале тийра ва фосик эди, гавдан ва бефаҳм ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валенематзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлтурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубтур"⁹. Хулоса қилиб айтганда, буюк ҳукмдор умри давомида гоҳ жангда енгилиб, гоҳ ғолиб келиб. улуғ мақсад ёлида бирлашишга, ягона, марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилган. Гарчи унинг бу мақсади амалга ошмаган бўлсада, Бобур инсонийлик фазилатларидан воз кечмади. Бобурнинг ички фазилатлари, армонлари, ўғитлари - ю, мероси биз ёшлар учун ибрат мактабини ўтағусидир.

3. Бобурнинг “Бобурнома” асарида тарихий шахслар талқини.

Бобурнинг энг машҳур асари "Бобурнома"дир. У дастлаб "Вақое" ("Воқеалар") деб аталган . Сўнгроқ "Воқеати Бобурий" . "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Бобурия" номларини олди. Охирида "Бобурнома" бўлиб шухрат топди.

"Бобурнома" З.М.Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. У 12 ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган воқеаларни қайд қилиб борган ва умрининг охирларида 1525-1530 йилларда ушбу асарни яратган. "Бобурнома"нинг ўндан отиқ қўлёзма нусхалари бўлиб. жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланади. Бу асар XII асрдаёқ турли шарқ тилларига таржима қилина бошланган. "Бобурнома" тарихий асардир. Унда 1494-йилдан, яни Бобур тахтга чиққанидан умрининг сўнгигача юз берган воқеалар ўз ифодасини топган. Бу тафсилотлар Бобур туғулиб вояга этган Мовароуннаҳр, сўнгроқ ўзи салтанат қурган Хуросон, Қобул, Ғазна, Қандаҳор ва Ҳиндистонда юз берган воқеалардир. Муаллиф ўз асарида воқеалар билан

⁹ Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча" 1989, 29 бет.

чекланмайди, балки уларнинг иштирокчиларига, марказий қаҳрамонларига ҳам кенг ўрин беради. Натижада биз Бобур замонида яшаган ва тарихимиз, маънавиятимизда муҳим мавқега эга бўлган давлат ва маданият арбоблари билан ҳам танишамиз. Асарда ҳар бир йил воқеалари алоҳида берилади. Дастлаб ўша йилда юз берган муҳим воқеа баён қилинади. Масалан: дастлабки 1494-йил воқеаларини ҳикоя қилганда, Бобур аввало ўзининг Тангри инояти билан Фарғона вилоятида 12 ёшида подшоҳ бўлгани ҳақида хабар беради ва Фарғона вилояти билан таништиради. Сўнг воқеа тафсилоти. тоғаси ва амакиси Андижонга қошин тортиб келгани ва отасининг тасодиф билан фожиано ҳалок бўлгани вақтларига тўхтаб, отаси Умаршайх ҳақида маълумот беради. Унинг туғулган йили насл-насаби, шаклу-шамоили, хулқ- атвори, урушлари, вилояти, авлод, умараси ҳақида тўхтайди. Сўнг воқеанинг иккинчи иштирокчиси шу 1494-йилдаги урушдан қайтишида йлда Ўратепада касалланиб вафот этган амакиси Султон Аҳмад ҳақида худди ўша тарзда маълумот келтиради. Асарда тарихий шахслардан Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Бадиуззамон, Музаффар Мирзо, Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд каби ўнлаб тахт эгалари Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Камолиддин Биноий, Беҳзод, Мирак наққош, Ҳусайн Удий сингари адабиёт ва санат арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар ва мулоҳазалар келтирилган. Буларнинг ҳаммаси тарих учун муҳимдир. Ўша пайтдаги шаҳарлар тасвирини, Самарқанд манзараларини олайлик. Орада ўтган беш юз йил ичида ўзаро қиргинлар, ажнабий истилочилар босқини билан қанчадан қанча шаҳарлар вайрон бўлди. Биз буюк соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ муаззам Кўксаройни, Мирзо Улуғбекнинг баландлиги 31 метр бўлган мухташам расадхонасини ва шу каби жуда кўп қутлуғ иморатларнинг шаклу қиёфасини "Бобурнома" орқали тиклаймиз. Бобур бу асарда отасининг шакл ва шамойили тасвирида шундай дейди. "...паст бўйлуқ, бўлма сақоллик, қоба юзлуқ, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияар эди,

андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлагондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эрдиким, боғлари узулар эди”¹⁰. Сўнг Умаршайх мирзонинг хулқ атвори, хат саводи ва бошқа томонлари ҳақида сўзлайди. "Равон саводи бор эди. "Хамсатайн" ва китобларни ва тарихларни оқуб эди. Аксар "Шоҳнома" оқурди. Бисёр саховати бор эди"□. Бобур Ҳисор аҳолисини хонавайрон қилган Хусравшоҳни тасвирлаб, уни қаттиқ ланатлайди. Улғбекнинг қотилларидан бўлган Абдуллатиф ҳақида сўзлаб, бу беш кунлик олар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди, деб қаттиқ газабланади. Бу асарда илм-фан, санат ва адабиёт аҳиллари ҳақида кенг ва қиминатли малумот берилади. Масалан, Бобур Навоий ҳақида сўзлар экан "Алишербек охшаши ёқ киши эди. Туркий тил била то шер айтубтурлар, ҳеч ким унча коп ва хоб айтган эмас "¹¹ деб баҳо беради. "Бобурнома"да минглаб қашшоқ ва муҳтож деҳқонлар, куллар ва бошқа гуруҳ кишилар ҳақида сўзланади. Масалан; Бобур Ҳиндистонга қилган юрушлари ҳақида сўзлар экан, мағлуб болиши аниқ бўлиб қолган бир тода ҳинд аскарларининг асир тушушидан кора олимни афзал билгани, Бири қилич кўтариб, бошқалари бирин кетин бўйнини тутиб бергани ҳаммалари мардона ҳалок бўлганини сўзлайди. Бобур бутун умри жангу-жадалларда кетишига қарамасдан табиатан ниҳоятда зийрак ва синчков ниҳоят фахмли ва идрокли ҳамма нарсага қизиқувчан бир зот эди. У қаерга бормасин ўша ернинг географик жойлашиш ўрнидан тортиб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсигача қишу ёзининг об-ҳавосидан элининг тилу урф-удумигача ҳамма-ҳайммаси билан қизиқади ва ёзиб қолдиради. Бобур нима ҳақда ва ким ҳақда ёзмасин ғоят самимийдир ўзининг қувончини ҳам ҳеч кимдан яширмай рўй-рост айтади. Дўсти ҳақида ҳам, душмани ҳақида ҳам кўнглидигини сўзлайди. Тўғри душманлари ҳақида ёзганида гоҳо алам зорлик қилиб ҳолисликдан чекинган ўринлар ҳам учрайди.

¹⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989 йил. 10- бет.

¹¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989 йил. 153 бет

Масалан; буни унинг Шайбонийхонга ва айникса унинг томонига отиб кетган Муҳаммад Солихнинг асарига танқидий баҳоюа очик кўриш мумкин. Бу ҳам аслида табиий эди. Ота ва ўғил шоҳ ва шахзода муносабатларига Бобур ҳеч қачон бефарқ қараган эмас. 1525-йили Ҳумоюн ўғил кўрганида Бобур фарзандини табриклайди. Мураббий ва устоз сифатида унга оталик насиҳатларини беради. Ҳумоюнга хатларидаги имло хатоларидан тортиб юриш-туришлариоача йўл кўрсатиб меҳрибонлик қилади. Бобур Ҳусайн Бойқарога катта ихлос билан қараган, унинг мардлик ва шижоатини адолатини шерий истедодини қадрлаган.

"Бобурнома"да Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ҳар икки тарафдан, ота томондан ҳам она тоинондан ҳам темурийзода эканлигидан тортиб шаклу- шамоилигача ахлоқ атворидан фарзандларигача тўхтайди. "Бобурнома" ўзбек адабиётида наср тараққиётига жуда катта тасир қорсатди. Бунинг ёрқин намунаси Абулғози Боҳодирхоннинг "Шажараи-турк" "Шажараи-тарокима" асарларидир. "Бобурнома"нинг тасвир ва баён усули таржималар орқали бошқа адабиётларга ҳам ўтди. Ғарб ва Шарқнинг фан ва давлат арбоблари Бобурнинг тарих ва маданият олдидаги хизматларини белгилашда бу китобга асосий манба сифатида қарадилар. Ҳиндистон тарихини ёритишда эса мутахассилар фикрича ҳали ҳам буюк бобомиз Берунийнинг "Ҳиндистон"идан кейинги муҳим асари "Бобурнома туради. Шоир, олим ва шоҳ Бобурнинг ижоди фаолияти мана шу хусусиятларга кўра ардоқланиб келинмоқда. Бобурийларнинг Ҳиндистон ва Афғонистонда марказлашган империяга асос солиши халқлар ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларни ривожланишига имконият яратди. Илм-фан ва санат дурдоналари яратилдики, бу ўлмас саҳифалар Ҳиндистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

"БОБУРНОМА"ДА ХОЖА АХРОР ВАЛИ ШАХСИЯТИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илоҳиёт, тасаввуф ва уларнинг сирларини ўрганиши, тадқиқ этишга доир фикрлари фақат буюк адиб дунёқарашини ёритиб қолмасдан. XII аср руҳшунослик фанига муносабат ҳамда Бобур атрофидаги шахсларнинг ҳам бу масалаларга қарашларини муайян даражада белгилаш имконини беради... Бобурнинг шахсий ҳаёти ва ижодида киши диққатини тортадиган алоҳида бир жиҳатни унинг нақшбандия тариқатининг машҳур вакили Хожа Аҳрори Валига муносабати, тасаввуф илми ва Хожанинг валилик ҳоли ҳамда салоҳиятига берган баҳосидан билса бўлади. Бобур тасаввуф ва дин талимотларини ҳар томонлама ўрганиб, улардан ҳаёт ва қисмат мазмунни қидиришга интилгани табиий ҳол. Тасаввуф ва дин, урф-одатларга қор-қорона эмас, балки ҳар бир ҳодиса ва ақидага ақл мезони билан ёндашади. "Бобурнома"да муаллиф нақшбандия тариқатига муносабати. Биринчи навбатда, Хожа Аҳрори Вали шахсияти орқали очилади. Бобур Хожа Убайдулло Валини "бахту толенинг посбону, барча балолардан ҳалос этувчи пир" сифатида бежиз тасвирламаган. Бу хислатлар Хожа Аҳрорнинг ялилиги, кўпчилиكنинг қурби етмаган ишларни бажаришга қодирлиги ва Бобурга руҳий мадад бериши билан боғлиқ. 1502-1503 йиллар мағлубиятини бошидан кечираётган Бобур ёзади "ўзумга ўлумни қарф бердим, Карнон маҳалласидаги боғда бир анҳор бор эрди, вузу қилдим, икки ракат намоз ўқудим, бошимни муножотқа кўюб тилак тилайдур эдим-ки, кўзум уйқуга борубтур. Кўрадурменким, Хожа Яқуб - Хожа Убайдулло (Вали) нинг набиралари рўбаройимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йубордилар. Дедиларки, биз аларга истмонат тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтурубсиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир болурбиз. Ҳаю

ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг сориднр. Бош кўтаринг уйғонинг"¹². Бундан кўриниб турибдики. Хожа Убайдуллоҳнинг руҳи Бобурга яқиндан ёрдам берган, мушкул ҳолатга тушганида эса унга ёрдамга шошилган. Бобур Хожа Убайдулло Аҳрорни тушида қориб, ундан мадад қутган пайтдан бир оз олдин ёнига Қутлук Муҳаммад барлос келиб, тушида Хожа Аҳрор унинг қаердалигини аниқ айтганини гапириб беради. Қизиги шуки, Хожа Аҳрор руҳи бир вақтда Бобурнинг ҳамда унга подшоликка эришгани хабарини етказган Муҳаммад барлоснинг тушига кириб, воқеадан огоҳ этади. Бобур Хожа Аҳрор Вали шахсияти ёрдамида ўз ички дунёси, этиқоди, қарашларини бир мезонга солибгина қолмай, балки ижодида ҳам унинг руҳидан мадад олиб, марҳаматидан барҳаманд бўлганлигини ёзади. Яна шуни такидлаш жоизки. беморликка учраган Бобур ҳам Хожа Аҳрорнинг "Волидия" рисоласини туркий тилга таржима қилади ва таржима тугаши билан дарддан фориғ бўлади. Бобур "Тенгри инояти била, Ҳазратнинг ҳимматидин панжшанба куни, ойнинг йигирма тўққузида андаки афсурда бўлди, ўзга бу аризадин халос бўлдум" дейди. У тез тузалганини авалло Оллоҳ, сўнгра пиру Хожа Аҳрор шарофатидан, деб билади. Ислон дини билан бўғлиқ қадриятлами. воқеа-ҳодисалами умр бойи мулоҳўза қилиб, идрок этиб, ҳаётий тажрибаларга таяниб, теран этиқод билан турли мо'жизалар ҳақида муайян хулосалар чиқарган. Бу хулосаларга таянган буюк ватандошимизнинг улу' ишлари бугунги кунимизнинг дастури амалига айланиши лўзим.

4. “Бобурнома” асарида инсон камолоти ва хулқ атвор таснифи

Бобурнинг "Бобурнома"сида Темур ва темурийзодалар ва ўзи билган кишилар ҳаёти ва портретлари шундай аниқ ва рагон ёзилганки, биз оша даврда яшаган тарихий шахслар ҳақида янада мукамалроқ илмларга эга

¹² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча" 1990 , 108-бет.

боламиз. Бобур шу тарихий шахслар ҳақида фикр юритганда унинг яхши томонлари ва салбий томонлари ҳақида батафсил ростгўйлик билан унинг қиёфасини чизади. Зеро, бошқа муаллифларга охшаб ином олиш учун бошқаларни макташ у учун бегона. Чунки Бобур шоҳ эди, Шу сабаб бўлса керак оша давр кишиларнинг қиёфаси яққол кўз онгимизда намоён болади. Ўз отаси ҳақида фикр юрилганда "Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуғ доиялиқ подшо эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағ- дағаси бор эрди. Неча навбат Самарқанд устига черик тортти, бази маҳал шикаст топди, бази маҳал беи- ниирод ёнди" айти пайтда ўз отасини "бадмаош", яни у одамлар билан тил топиша олмаслиги, одамларнинг табиатини яхши билмаслиги боис кўп панд еган, дейди.

Бобур "Бобурнома"да қаҳрамонлар ахлоқига ва шахсларга муносабатини ўзининг дунёқараши андозасига солиб баҳолайди. Асарда. Шайбонийхон, Ҳусайн Бойқаро, Султон Абу Саид, тогалари Мирғиёс, Али Дўст ёки Узун Ҳасан, Шайх Мазидбек ва бошқаларнинг хулқ атворини баён қилар экан уни ҳаққонийликда кўрсатишга ҳаракат қилади. Жумладан тоғаси Али Дўст ҳақида "Ярамас ахлоқ ва атворлиқ киши эди. Бахл ва фитна ва зумухт ва мунофиқ ва худоисанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди"¹³ ёки "Султон Ҳусайн Мирзодек улуғ подшо Ҳиридек ислом шахрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу 14 ўғлидин учи валаддузино эмас эди. Фиск ва фужур ўзида, ўғлонларида ва эл усида асру шое эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким. Мундоқ хонводадин етти - саккиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзаа ўзор ва аломат қолмади. "Бобурнома"да Алишер Навоий ҳақида ҳам жуда қимматли маълумот келтирилган. "Яна Алишербек Навоий эди... ўғил ва қиз ва аҳли аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди... Мирзодин нима олмас. балки йилда Мирзога кули маблағар пешкаш қилур эди". Юқорида биз фақат Бобур замондошларининг айримларининг Бобур кетирган таснифини

¹³Х. Қудратуллаев. "Бобур армони", "Шарк". Т. 2005. 144 - бет.

келтирдик холос. Тарихий муҳут ва тарихий шахслар ҳақида тўларок билимларга эга бўлишни истасак Бобур асарлари ёрдамга келади деб биламиз.

5. “Бобурнома” асарида Самарқанд васфи: тарих ва талқин.

Заҳириддин Бобурнинг шох асари ҳисобланган "Бобурнома" асари ўзининг илмий қамровига кўра тарихчи, адабиётшунос ҳамда географ олимлар томонидан кенг этироф этилган. "Бобурнома" асари уч минтақа – Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳақида кенг қамровли илмий билимлар беради. Мазкур асарда ушбу жойларнинг тарихи, географияси билан боғлиқ бўлган билимлар кенг равишда ёритилади. Жумладан, "Бобурнома" асарида Мовароуннаҳр шаҳарлари ва рўйи заминнинг "сайқали" бўлган Самарқанд шаҳри алоҳида тарифу-тавсифланади. Дарҳақиқат, тенгсиз ўтмишга, ёруғ бнгуна, порлоқ келажакка эга бўлган Самарқанд шаҳри ҳам ана шундай улуғ маскандир. Самарқанд шаҳрининг равнақ топиши, гуллаб яшнашида соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс. Амир Темур ва темурийлар даврида Самарқанд нафақат Мовароуннаҳрда, аксинча, жаҳонда ҳам йирик мегаполис сифатида шаклланди, ижтимоийи маданий-марифий марказга айланади. Йирик иқтисодий ва савдо маркази сифатида ҳам фаолият корсата бошлади. Амир Темурнинг бунёдкорлик маданияти ва яратувчанлик фаолияти Самарқанд шаҳрида ёрқин кўзга ташланади. Соҳибқирон ўз пойтахти сифатида бу шаҳарда коплаб иморатлар, боғ-роғлар барпо этади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд шаҳрига бобо мерос шаҳар сифатида қарайди ва шаҳарнинг ҳар бир ўзига хос жиҳатларини, сифатларини алоҳида тарифлайди. Бу шаҳарнинг юксалишида Амир Темурнинг ишларини юқори баҳолайди. Бу хусусида Заҳириддин Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида, "Темурбекнинг зоду-буду Кешдин учун шаҳр ва пойтахт қилурга кўп сай ва эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. ... Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа

Самарқандча эмас эди, охир пойтахт чун Темурбек Самарқандни ўз ихтихор қилди"¹⁴ деб такидлайди. Захириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да Самарқанд шахрига холис баҳо беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, "Руби маскунда (жаҳонда -О.А.) Самарқандча латиф шаҳр камроқдир. Бешинчи иқлимдиндур. ... Самарқанд аҳли ҳазрати амирул мўминин Усмон замонида мусулмон бўлгондир. ... Мўғул ва турк улуси Семирканд (Семизканд - О.А.) дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур. Қўрғонини фаслининг устидин буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти. Эли тамом суний ва пок мазҳаб ва муташрри ва мутадайин элдур"¹⁵. Бобур "Самарқандни Искандар бино қилгондиир" деб малумот беради. Бизнинг фикримизча, бу тамоман хато фикр. Чунки, Самарқанд Искандар Зулқарнайн босқинига қадар ҳам мавжуд бўлган бўлиб, уни юнонлар "Мароқанд" деб аташган. Бобур бошқалар қатори Самарқанд шахрининг географик жойлашуви ва географик ономастикасига (атоқли отлар ноинларини ўрганувчи фан) доир қимматли малумотлар беришга ҳаракат қилади. Жумладан, Самарқанд ва унинг алрофидан оқиб отувчи дарёлар (Жумладан, Кўҳак дарёси - Зарафшон - О.А.) ва каналлар, ариқлар номларининг маносини ёртишга ҳаракат қилади. Самарқанд атрофидаги қишлоқлар ва мавзеларни тарифлайди. Хусусан, Конибил Мавзесига алоҳида тўхталиб, "Бир машҳур ўланг Конибил ўлангидур. Самарқанд шахридан Шарқ тарафидадур, бир нима шимолга мойил. бир шарий бўлгой. Қора сувким, Обираҳмат ҳам дерлар. Конибилнинг ўртасидан оқар. ... Бази дерларким. бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур. вале тарихларда тамом Конибил битирлар, хейле яхши ўлангдир" деб такидлайди. Малумки, Самарқанд шахрининг юксалишида Амир Темур ва темурийларнинг ҳиссаси

¹⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989йил. 153-бет

¹⁵ Захириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". 1989 йил. 43 - бет

бекиёс. Шу даврда биинёд этилган Самарқанд шаҳридаги иморатлар уни гўзал шаҳарга айлантиради. Бобур асарда Амир Темури ва Темурийлар бунёд этган боғ-роғлар иморатлар ёл-ко'приклар ҳақида кўплаб мълумотлар беради. Амир Темури бунёд этган боғларни чиройли таърифлайди. Ҳар бир боғга алоҳида - алоҳида тавсифлар беради шу билан бирга Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган расадхона ҳақида тўхталиб. "Яна бир олий иморати Пуштаи Кўлиак домонасида расадким, зиж битмакнинг олатдир. Уч ошиёндир. Улуғбек Мирзо бу расад била Зичи Корагонини битибтурким, оламга холо бу зич музтаималдур" деб зикр этади.

Самарқанд шаҳрига хос бўлган об-ҳаво, табиати, ва аҳолисининг ижтимоий маҳиулооти, маданиятини ёритислига уринади. Бобур бошқа шаҳар ва жойларни мутлақо камситмаган ҳолда Самарқанд ҳақида фахр ва ифтихор билан "Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳарда андоқ болгай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмасдур. ... Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқар" деб такидлайди. Дарҳақиқат, Самарқанд нафақат отмишда балки, бугун ҳам Мирзо Бобур зикр этганидек ер юзининг "сайқали" ва "гавҳаридур".

6. "Бобурнома" асарида суғориш ва ерга муносабат.

Шоҳ ва шоир, давлат арбоби, ўз даврининг етук намоёндаларидан бири, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб "Бобурнома" асарида зикр этилган кўп фан соҳаларига доир тафсилотлар орасида суғориш ва ерга муносабат мавзулари алоҳида этиборга молик. Ушбу мавзулардаги саҳифалар Бобурнинг яратувчанлик фаолиятини-иморат қуриш, боғ яратиш, ободончилик, умуман ҳаётда умид ва ишонч билан яшашдек руҳий хусусиятини очишга ҳам кўмак беради. Темурийлар даври тараққиётини, улкан шаҳарларни безаган боғ-роғлар, дала-майдонлар, сайлгоҳ ва чаманзорларни, сув иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш санъатисиз тасаввур этиш амримаҳол. Айниқса,

"Бобурнома"да сув, ер, суғориш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дарё ва кўлларга қизиқишини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бобур гўё Амир Темурдек, салтанат ҳудудида кўплаб боғ-роғлар, сайлгоҳлар, кошоналар, чаманзорлар, мевазорлар барпо этди. Бугунги Қобул шаҳри атрофида Гулкина отлик хушманзара мавзе бор. Бобур бу масканнинг гўзаллиги ва таровати ҳақида ёзади. У ўзининг сармаст, бегам дамларини шу ерда ўтганини такидлайди. Бу ерда Бобурнинг Вайс исмли амакиси томонидан ариқ қаздирилган. Қазилган ариқ фақатгина зодогонларга эмас, балки бутун элга хизмат қилган. Шу ернинг обод, фаровон, мамур бўлишини таминлаган.

Шоҳ Қобул мавзеида маҳаллий аҳолининг сайлгоҳи, кўнгил очар макони бўлган. Бу жовдаги бир неча катта булоқ сувлари орқали ободончилик юзага келганини Бобур ўз асарида тарифлаган. Бобур кўриқ ерларни ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилани, серҳосил майдонларни кенгайтириши тўғрисида теран фикрлар билдиради. Дастлаб Ҳиндистонда дарёлардан ташқари, бошқа оқар сувлар ёқлигини айтган Бобур, юртни кезиб, Банур ва Санур рудини етар экан. дарёлардан бошқа оқар сувлар борлигини кўриб хурсанд бўлади. Ҳиндистон иқлимнинг намлиги, ҳавосини диққинафаслиги Бобурни жуда қийнаган. Бу жой унга, аввало, оқар суви борлиги, қолаверса, латиф ва хушҳаво ерлар бўлгани боис, этиборини тортган. Аниқроғи, бу мавзе унга қай бир хусусияти биландир ўз ватанини эслатган. Шу туфайли Бобур бу жойда боғ яратишни биюрар экан, боғнинг орнини, сувнинг кенг дарали чиқишида белгилайди. Бобур Ҳиндистонда ерни суғориш ва уни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ҳамма жовда ҳам ёлга қўйилмаганидан афсусланади. Бироқ бу камчиликни ислоҳ қилишга уринади. Бу ишнинг ўзига хос қийинчилиги борлигини. оқибат фойда билан тугашини ҳам такидлайди. Одамларни меҳнатга чорлаш, эринмаслик, яратувчанлик руҳида тарбиялаш Бобур дунёқараши ва умр мазмунининг мағзини ташкил этди. Бобурнинг ирригация ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир қарашлари

"Бобурнома"даги бошқа барча мавзулар билан чамбарачас боғлиқ тарзда ифодаланган. Бу тасвирлар биз авлодлар учун тарихий мерос ва дастурул амал бўлиб қолади.

Хулоса

"Бобурнома" - Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кузатишлари замирида яратилган Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон. Эронда яшаган халқларнинг XI аср охири - XII асрнинг биринчи ярмидаги тарихи, иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ва савдо муносабатлари, иқлими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, ерларда яшовчи халқларнинг урф – одатлари, маданияти ва яна коплаб жиҳатларини ўзида жам этган буюк асардир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да Моворауннаҳрда жойлашган кўпгина вилоят ва кентларнинг таърифутаснифини кетириб ўтган. Хуллас, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" бутунжаҳон оммасига машҳур бўлган шох асаридир. Унда нафақат тарихий, балки, ижтимоий масалалар, сиёсий - иқтисодий ва савдо муносабатлари, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатларда олиб борилган ободончилик ишлари, бунёд этилган муҳим тарихий иншоотлар, масжидлар, мадрасалар, зиёратгоҳлар, ибодатхоналарнинг тарифу тавсифи келтирилган. Шу боис ҳам "Бобурнома" тарихий ва адабий мерос сифатида кишиларни ҳайратда қолдириб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. И. Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Т. “Шарқ” 1998 й.
2. "Бобурнома". Т. "Юлдузча". . 1990 уіл.
3. Х. Қудратуллаев. "Бобур армони", "Шарқ". Т. 2005. 144 - бет.
4. “Бобур-давлат арбоби, шоир ва тарихчи” мавзусидаги конференция материаллари НавДПи 2006 йил.
5. А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев “Ватан туйғуси” Т. “Ўзбекистон” 1996 йил.
6. Қ. Ражабов, М. Ҳайдаров “ Туркистон тарихи” Т. “Университет” 2002 йил.
7. Р. Шамсутдинов, Ш. Каримов “Ватан тарихи” Иккинчи китоб Т. “Шарқ» 2003 йил.
8. А. Азизхўжаев “Давлатчилик ва маънавият” Т. “Шарқ» 1997 йил.
9. Х. Султонов «Саодат соҳили» Т. “Манавият” 1993 йил.
10. Б.Эшов “Ўзбекистон тарихи” Т. “Университет” 1999 йил.